

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ШУХРАТЖОН РАХИМЖОНОВИЧ**

**МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ПАРАДИГМАСИДА  
АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract  
of doctor of philosophy (PhD) in philosophical sciences**

**Абдуллаев Шухратжон Рахимжонович**

Миллий манфаатлар парадигмасида аҳил кўшничилик муносабатларининг ижтимоий-фалсафий тадқиқи ..... 3

**Абдуллаев Шухратжон Рахимжонович**

Социально-философское исследование добрососедских отношений в парадигме национальных интересов ..... 23

**Abdullaev Shukhratjon Rakhimjonovich**

Socio-philosophical investigation of good-neighborly relations in the paradigm of national interests ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 48

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ШУХРАТЖОН РАХИМЖОНОВИЧ**

**МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ПАРАДИГМАСИДА АҲИЛ  
ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.Phd/FaI210 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Назаров Насриддин Атакулович**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Балтабаева Аида Тынайбековна**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Тўйчиев Бердикул Тўракулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети хузуридаги PhD.03/30.06.2020.FaI.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 28 » 07 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu\_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (925 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374) 223-88-30)

Диссертация автореферати 2021 йил « 13 » 07 кун тарқатилди.  
(2021 йил « 12 » 07 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Х. Юлдашева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

**А.А.Эгамбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Т.А.Артиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда миллий давлатлар сони кўпайиб, уларнинг ҳар бири дунёнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳамжамиятларида ўз манфаатларини илгари суриб, уларни ҳимоя этишдан манфаатдор экан, миллий ва умуминсоний манфаатларнинг туташ нуқтасига эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бугунги глобал тараққиёт шароитида маданиятлараро мулоқот етакчи ўринга чиқиб, хусусийликнинг умумийлик сари ўсиб ўтиш қонуниятига асосий урғу берилмоқда. Халқаро майдонда юз бераётган ўзгаришлар натижасида ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик муносабатларига таҳдид сифатида намоён бўлувчи салбий омилларга қарши биргаликда курашиш бугунги умуминсоний тараққиётнинг мазмунига айланиб бормоқда. Бунда миллий манфаатлар таъминланган ҳолда ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва аҳил қўшничилик муносабатларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор институтлари ва илмий тадқиқот марказларида минтақавий ҳамкорлик муносабатларида миллий манфаатларни таъминлаш, миллий, диний ҳамда ҳудудий можароларни бартараф этиш ва глобаллашув шароитида минтақадаги давлатлар ўртасида кўп томонлама манфаатли муносабатларни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш каби илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда минтақавий тинчлик ва глобал барқарор тараққиётнинг муҳим омили бўлган чегарадош давлатлар ва халқлар ўртасида аҳил қўшничилик муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, замонавий илмий билиш методлари асосида конструктив ечимларини топиш ҳамда фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эга вазифага айланмоқда. Зеро, аҳил қўшничилик миллатлараро муносабатларнинг оптималлашувида давр парадигмаси сифатида ижтимоий-маданий ҳамкорликни таъминлашда муҳимдир.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида фуқаро манфаатларини таъминлаш ва кўп миллатли минтақада қўшни халқлар билан конструктив мулоқотни илмийлик мезонлари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган мамлакатимиздаги ислохотларда «...Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш»<sup>1</sup> вазифаси устувор мақсад сифатида белгилаб берилган. Бу борада аҳил қўшничилик муносабатларининг минтақамиздаги ижтимоий тараққиётдаги ўрни, унинг моҳиятини белгиловчи омилларни аниқлаш ҳамда илмий-амалий аҳамиятини ошириш механизмларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий манфаатлар парадигмасида аҳил кўшничлик муносабатларини ривожлантиришга оид муҳим аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоялар Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йилдан бошлаб охириги беш йил давомидаги давлат бошлиғи сифатидаги фаолиятида яққол кўринадди. Хусусан, Марказий Осиё минтақасида аҳил кўшничлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш ҳақидаги концептуал қарашларини ифодаловчи асарларида ушбу ғояларнинг методологик моҳияти очиқ берилган<sup>2</sup>. Жумладан: «Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас»<sup>3</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ҳам дўстлик ва кўшничлик муносабатлари талқини ўз ифодасини топган<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.; Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.; Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.; Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 456 б.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 271.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-24-жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2015.

Ўзаро ахил кўшничилик муносабатларининг маънавий, ижтимоий-маданий янгилашиш омили эканлиги Шарқ ва Ғарб мутафаккирлар ижодида очиб берилган. Хусусан, антик давр мутафаккири Платоннинг «Давлатларнинг бошқа давлатлар билан алоқалари турли хилдаги ахлоқларнинг кўшилиб кетишига олиб келади»<sup>5</sup>, –деган сўзлари ўзаро кўшничилик муносабатлари мамлакатларнинг ижтимоий-маданий ривожидида муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишорадир. Аристотель инсон камолоти ва жамият ривожидида дўстликнинг аҳамиятига эътибор қаратиб «дўстлик (грекча *philia*) фақат сўнгги лаҳзадагина воз кечиш мумкин бўлган яхши фазилатлар қаторига кириди. Дўстона муносабатларни ривожлантириш – бу соҳада яхши фазилатларни орттириш – ҳаракатларни баҳолаш учун қўлланилиши мумкин бўлган тўғри нормаларни ўзлаштиришни аниқлади»<sup>6</sup>, –деб таъкидлаган. Марказий Осиё минтақасида ўрта асрларда ижод қилган Абу Наср Форобий эса «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим»<sup>7</sup>, –деб таъкидлайди, бу фикр ижтимоий жараёнларда шахслараро муносабатларнинг асосини инсонийлик фазилати ташкил этиши жамиятда барқарорлик кафолати эканлигининг далолатидир.

Замонавий хорижий олим ва мутахассислар С.Хантингтон, З.Бжежинский, Дж.Най, Х. Моргентау ва бошқалар халқаро муносабатларда миллий манфаатларни ҳимоя этиш ва таъминлаш ҳамда ўзаро маданий-тарихий яқин социумлар мулоқоти муаммосига жиддий эътибор қаратган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан А.Хасанов, Н.Федотова, Г.Мирский, И.Павловский, Е.Махмутова<sup>8</sup> каби олимларнинг асарларида чегарадош, минтақадош социумлар ҳамда давлатлар ўртасида ўзаро ишончнинг қарор топиши пировард натижада дунё барқарорлиги ва хавфсизлигига хизмат қилиши жиҳатлари илмий таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда миллий манфаатлар ва минтақавий ҳамкорлик муаммоси тадқиқ этилган бўлиб, жумладан, Б.Иминов жамият ривожланишида манфаатларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва мафкуравий жараёнга хос хусусиятларига эътиборни қаратган<sup>9</sup>. Профессор С.Отамуратов миллий ва миллатлараро муносабатлар ҳамда уларга глобаллашув жараёнларининг ўтказётган таъсири муаммоларини илмий тадқиқот ишларида асослаган<sup>10</sup>. Минтақавий ҳамкорлик тушунчасига Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари муаммосини тадқиқ этган О.Сирожов «Минтақавий ҳамкорлик – бу объектив зарурият натижасида маълум бир минтақа давлатларининг тенглик, ихтиёрийлик, умуммиллий

<sup>5</sup> Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 412.

<sup>6</sup> Скирбек Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 136.

<sup>7</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 286.

<sup>8</sup> Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

<sup>9</sup> Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. – Тошкент: Минҳож, 2002. – 191 б.

<sup>10</sup> Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 203 б.

манфаатларнинг уйғунлашуви асосида биргаликдаги фаолияти»<sup>11</sup>, – деб таъриф беради. Шунингдек, С.Сафоев, Т.Жўраев, А.Бегматов, М.Мухаммадсидиков, Ф.Абдурахманов, Ф.Толипов, Н.Жўраев, Н.Назаров, Э.Каримоваларнинг<sup>12</sup> монография, илмий мақолалари алоҳида аҳамиятга эга. Аммо шуни таъкидлаш керакки, масалага кўпроқ сиёсий ва социологик фанлар тадқиқот объекти сифатида қараб келинганлиги, аҳил кўшничилик муносабатларининг амалий аҳамияти ва ўрни етарли асосланмаганлиги боис, ушбу диссертация ишида миллий манфаатлар парадигмасида аҳил кўшничилик муносабатларининг ижтимоий-фалсафий тадқиқи аҳамияти асосланган. Бугунги кунда минтақавий тафаккур позитив жиҳатлар сари ўзгараётган экан, ўрганилаётган мавзуга ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш минтақавий ментал хусусиятларнинг ижобийлигини таъминлашда муҳим.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №01-1-354 «Маданият фалсафаси ва унинг ҳозирги замон ижтимоий тараққиётидаги ўрни» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аҳил кўшничилик омилининг Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларида устувор йўналиш касб этиш жараёнини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб бериш, минтақавий тафаккур юксалишида унинг назарий ва амалий аҳамиятига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«аҳил кўшничилик муносабатлари» тушунчасининг мазмун моҳияти ва унинг ижтимоий-маданий тараққиётни белгиловчи устувор йўналиш сифатида жамиятнинг мақсад ва эҳтиёжларини ўзида ифодалаган бунёдкор ғоя эканлигини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш;

социумлараро манфаатларнинг онтологик табиати туташлиги ҳамда барқарорлик кафолати эканлиги ва аҳил кўшничилик маданиятининг халқларни ўзаро яқинлаштирувчи ҳамда дўстона муносабатларни ривожлантирувчи хусусияти негизларини очиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларининг минтақавий манфаатлар билан ҳамоҳанг эканлиги, яъни Марказий Осиё минтақасида муросага келтирувчилик, бунёдкорлик ва барқарорлаштирувчи хусусиятлари ҳамда умумманфаатдорликка асосланганлигини ўрганиш;

ўзбек менталитети негизида аҳил кўшничилик манбаларининг квинтэссенцияси (моҳият, асос) барқарорлиги ҳамда ижтимоий-маданий парадигмалар трансформациялашуви шароитида аҳил кўшничилик муносабатларига эҳтиёж ва заруриятнинг ўсганлигини илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш ва тавсиялар бериш.

<sup>11</sup> Сирожов О.О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. Сиёсий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2018. - Б.14.

<sup>12</sup> Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон миллий манфаатлари доирасида қўшничилик муносабатлари ва унинг умумижтимоий тараққиётдаги ўрни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мулоқот макони сифатида Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ижтимоий-маданий ҳамкорлик жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, ретроспектив кузатув, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«аҳил қўшничилик муносабатлари» тушунчаси ижтимоий-маданий тараққиётни белгиловчи устувор йўналиш сифатида жамиятнинг мақсад ва эҳтиёжларини ўзида ифодалаган ҳамда оқилона мурасага асосланган бунёдкор ғоя ва амалиёт эканлиги ретроспектив кузатув методи асосида далилланган;

социумлараро манфаатларнинг ҳамкорлик, ўзаро тараққиётни таъминлаш, дўстона муносабатларни ривожлантириш каби онтологик табиати туташлиги ҳамда барқарорлик кафолати эканлиги ва тараққиётни таъминлашда аҳил қўшничилик маданиятининг ўзбек менталитетининг имманент хусусияти сифатидаги таъсирчан роли очиқ берилган;

Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничиликни янада юксалтириш зарурияти ва Ўзбекистон миллий манфаатларининг минтақадаги ўзаро ишончнинг ўсишига, ижтимоий муносабатлар доирасида маънавий инқирозига барҳам берувчи, бунёдкорлик хусусиятлари ҳамда халқлар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлашдаги миллий манфаатларни мувофиқлаштирувчи ва минтақавий манфаатлар билан уйғунлаштирувчи, тинчлик ва тотувликни мустаҳкамловчи каби позитив натижалари аниқланган;

ўзбек менталитети негизида аҳил қўшничилик манбаларининг квинтэссенцияси (моҳият, асос) барқарорлиги ҳамда ижтимоий-маданий парадигмалар трансформациялашуви шароитида аҳил қўшничилик муносабатларига эҳтиёж ва заруриятнинг ўсганлиги илмий-фалсафий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничилик муносабатларини ривожлантирилиши барқарорликни таъминлаши ва умумманфаатлар устуворлигига хизмат қилиши аниқланган;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши дастурий вазифалари доирасида мамлакатимиз миллий манфаатларининг моҳияти, бунёдкорлик хусусияти, халқлар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳамда бундай хусусиятларни ривожлантиришнинг аҳамияти кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Ўзбекистонда ва бошқа хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлар материаллари

тўпламлари, Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган илмий журналларда чоп этилган мақолалар, илмий-амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга оид концептуал фикрлар, қарашлар, илмий асосланган хулосалар ижтимоий-фалсафий фанларда мавзуларни бойитиш билан бирга тарихий, социологик ва сиёсий фанларда ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга масъул давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари фаолиятида аҳил қўшничилик муносабатларини ривожлантириб боришда, шунингдек, аҳоли орасида бағрикенглик муҳитини шакллантириш, бунда миллий манфаатларнинг таркибий қисми сифатида дўстлик ва қон-қардошликнинг ўзаро умумийликни таъминлашга йўналтирилган тарғибот тадбирларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миллий манфаатлар парадигмасида аҳил қўшничилик муносабатларининг ижтимоий-фалсафий тадқиқи бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар натижалари асосида:

аҳил қўшничилик муносабатлари ижтимоий-маданий тараққиётни белгиловчи устувор йўналиш сифатида жамиятнинг мақсад ва эҳтиёжларини ўзида ифодалаган ҳамда оқилона муросага асосланган бунёдкор ғоя ва амалиёт эканлиги ҳақидаги илмий-фалсафий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурида кенг фойдаланилган. Жумладан, партиянинг 2020 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар бўйича иш режасининг 39-банди «Ўзбекистондан ташқарида истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳофазасига қаратилган «Ватандошга суянчимиз» лойиҳасини амалга оширишда, 72-банди «Миллий урф - одат, анъана ва кадриятларни сақлашни кучайтириш ва ривожлантириш концепцияси» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланилган (Республика «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2020 йил 20 февралдаги 01-72 сон маълумотномаси). Натижада республикада миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш, яхши қўшничилик ва ҳамкорликнинг эмпирик жиҳатларини ўрганишда назарий-методологик тадқиқотларга таяниш имконини бериб, концептуал қарашлар ва эмпирик жараёнлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган;

социумлараро манфаатларнинг онтологик табиати туташлиги (ҳамкорлик, ўзаро тараққиётни таъминлаш, дўстона муносабатларни ривожлантириш) ҳамда барқарорлик кафолати эканлиги ва бундай тараққиётни таъминлашда аҳил қўшничилик маданиятининг ўзбек

менталитетининг имманент хусусияти эканлигига оид таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси фаолиятининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи устувор йўналиши хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитасининг 2020 йил 4 февралдаги 01-09-225-сон маълумотномаси). Натижада миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришда, республикада истиқомат қилаётган миллат ва элатлар орасида дўстлик муҳитини юксалтиришда, Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар орасида ўзаро яхши қўшничилик ва дўстона ҳамкорлик жараёнларини юқори босқичга кўтаришга хизмат қилган;

Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничиликни янада юксалтириш зарурияти ва Ўзбекистон миллий манфаатларининг минтақадаги ўзаро ишончнинг ўсишига, ижтимоий муносабатлар доирасида маънавий инқирозига барҳам берувчи, бунёдкорлик хусусиятлари ҳамда халқлар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлашдаги миллий манфаатларни мувофиқлаштирувчи ва минтақавий манфаатлар билан уйғунлаштирувчи, тинчлик ва тотувликни мустаҳкамловчи каби позитив натижаларига оид тадқиқот ишидаги хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика Маънавият ва маърифат Марказининг фаолиятидаги тарғибот ишларини янада оптималлаштиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган №1-071 рақамли шартнома асосидаги «Мураккаб ва таҳликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкуравий кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» мавзусидаги лойиҳа ижросида, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари ва барча тарғиботчилар учун мўлжалланган услубий қўлланма тайёрлашда ва мавзуга оид туркум кўрсатувлар ҳамда муҳокамаларда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 3 июндаги 02/010-695-19 сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар мақсадли дастурлар воситасида жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, аҳоли орасида тотувлик, дўстона муносабат ва тараққиётни янада мустаҳкамлашга, тарғибий фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Ўзбек менталитети негизида аҳил қўшничилик манбаларининг квинтэссенцияси (моҳият, асос) барқарорлиги ҳамда ижтимоий-маданий парадигмалар трансформациялашуви шароитида аҳил қўшничилик муносабатларига эҳтиёж ва заруриятнинг ўсганлиги таҳлил этилган илмий фалсафий хулосалардан Олий таълим тизимида таълим ва тарбия

жараёнларида қўлланилганлиги, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган А-1-099 рақамли «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» мавзусидаги лойиҳа ижросида, шунингдек соҳага оид фанларни ўқитишда маъруза матнлари ва ўқув методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилган (Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 январдаги 89-03-309-сон маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ёшларда миллий манфаат тушунчасини янада чуқурроқ англаш ва Марказий Осиё халқлари аҳиллигининг тарихий ва замонавий хусусиятларини аниқлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро, 10 та республика миқёсида бўлиб ўтган конференцияларда маъруза шаклида баён этилиб, апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг «**Миллий манфаатлар ва барқарорлик: умуминсонийлик ва миллийлик уйғунлиги асосида мутаносибликни таъминлашнинг илмий-фалсафий жиҳатлари**» деб аталган биринчи бобида миллий манфаатларга илмий-фалсафий ёндашув бугунги воқеликнинг ижтимоий эҳтиёжи ва зарурати эканлиги, манфаатларнинг уйғунлиги тамойили дунё барқарорлиги ва тараққиётининг кафолати сифатида муҳим аҳамият касб этиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари устуворлигида умумбашарийлик ва хусусийликнинг уйғунлиги тадқиқ этилган.

Биринчи параграф «Миллий манфаат тушунчасига илмий-фалсафий ёндашув – бугунги кун ижтимоий эҳтиёжи ва зарурати» деб номланган. Ижтимоий тажриба, социумлараро, давлатлараро муносабатлар таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, инсон ва турли даражадаги ижтимоий уюшмалар ҳаёт фаолияти ва барқарорлиги устувор даражада миллий манфаатларни таъминлашга бориб тақалади. Бироқ унинг маъно, мазмунига доир кўплаб фикрлар, аниқлашлар мавжудки, бу бир томондан, муаммонинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти нечоғлик муҳимлигидан гувоҳлик берса, иккинчи жиҳатдан – унинг ижтимоий реаллик, конкрет ҳодиса сифатида кўп қиррали мураккаб эканлиги сабаблидир. Бундан ташқари, миллий манфаатларни қатор объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра, турли ижтимоий-сиёсий умумлашмалар, ҳар бир субъект ўзига хос ва мос тарзда талқин қилади. «Манфаат» тушунчаси кенг қамровлилиги боис, уни қандайдир бир махражга тушириш мураккаб бўлиб, бир индивид, фуқаро интилишлари ҳамда мақсадидан то социум, жамият манфаатларигача бўлган улкан миқёсни қамраб олади. Профессор Б.Иминов таъкидлаганидек: «Манфаатлар ижтимоийёт инъикоси сифатида қудратли куч бўлиб, уларни англамаслик, улар билан ҳисоблашмаслик ўнглаб бўлмайдиган хатоликларни туғдиради. Манфаатлар ўрганилиб, тартибга солиниб бошқарилишининг муаммовий долзарблиги шу ўринда янада яққол сезилади»<sup>13</sup>. Агарки, «миллий манфаатлар» категориясини суверен давлатга нисбатан оладиган бўлсак, унинг социум, яъни кўп қиррали жамият манфаатларининг бир бўлаги, зарур бўлса уни ифодаловчи асосий кўриниши дейиш мумкин. Зеро, Конституциямизнинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб унинг манфаатларига хизмат қилади»<sup>14</sup>, деб таъкидланган. Жамият доирасида муносабатлар ва фаолият ихтиёрий хусусиятга эга бўлса, давлат даражасида улар маъмурий-ҳуқуқий йўналиш касб этади. Агар миллий манфаатларга ушбу қоидадан чиқиб ёндашилса, у ҳолда жамият тараққиётига бевосита дахлдор бўлиб, миллат ва давлат орасидаги мақсад ва амалий фаолиятдаги уйғунлик ва муштарақликликни таъминлашга йўналтирилган мақсадли фаолиятдир. Шунингдек, миллий манфаатлар муайян давлатнинг минтақавий жараёнларда ўз ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж, истак ва қизиқишларини ҳимоя қилишда ҳам намоён бўлади. Социум ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатларининг воқеликка айланиши устувор даражада фуқароларнинг аксарият қисми томонидан ўз давлати миллий манфаатларини чуқур англаб етишига боғлиқ. Шунинг баробарида миллий манфаатлар ижтимоий воқелик сифатида миллат томонидан тегишли даражада англаниши натижасида унинг таъсирчан маънавий омилга айланиши табиий. Негаки, инсоният ривожининг бугунги босқичида, миллатнинг айнан шу маънавий қудрати тараққиётнинг устувор омилига айланмоқда. Бироқ бу жамият моддий салоҳиятини инкор этмаслигини, жамият ва тафаккурдаги чуқур ўзгаришлар боис бугунги кунга келиб, маънавий қудрат алоҳида нуфуз

<sup>13</sup> Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. – Тошкент: Минҳож, 2002. – Б. 14.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 4.

касб этилиши билан боғлиқ жиҳат кўпроқ миллий манфаатлар контекстида яққолроқ кўринишини англатади.

Иккинчи параграф «Манфаатлар уйғунлиги тамойили – дунё барқарорлиги кафолати» деб номланиб, муаммонинг назарий асосларига эътибор қаратилади. Ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида инсониятга доимо ҳамроҳлик қилган ютуқ ва камчиликлардан чиқарилган хулосалар, қолаверса, дунё илм аҳли тафаккури турли-туман таъсирларга қарамасдан, инсониятга ҳаёт бағишловчи асослардан бири – жаҳон халқлари манфаатлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва туташлигини тасдиқлаб турибди. «Тинч-тотув яшашнинг янгича фикрлаш концепцияси мавжуд сиёсий вазиятни тўғри ҳисобга олади, у толерантлик омиллари ва юксак ахлоқий мезонларга, демократизмга асосланган бўлиб, ўз манфаатини устун қўймасдан, меҳр-шафқат ва ғамхўрлик масалаларини биринчи ўринга қўяди»<sup>15</sup>. Кўриб турганимиздек, халқлар, миллатлар, инсонлар бир-бирига яқинлашиши каби табиий эҳтиёжнинг юзага чиқиши учун, бешак, қандайдир янги сифатий босқичга ўтишини тақозо этади. Унинг учун бу ғоя улкан социум – инсониятнинг қалбидан жой олиб, сўнгра амалиётга айланиши лозим. Ва энг муҳими, ҳар бир халқ уни ўзининг бурчи ва вазифаси деб билиши, манфаатлари бир-бири билан зоҳирий, ботиний туташ ва унга эришиш йўлида фаоллик кўрсатиши, қайсики, сўзда эмас, амалда уни исботлаши лозим бўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан билдирган фикрларига чуқурроқ эътибор берадиган бўлсак: «Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик худудига айланишидан бевосита манфаатдордир. ...Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир»<sup>16</sup>, деган концептуал фикрлари янгиланаётган Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик ва аҳил кўшничилик ривожидан манфаатдор эканлиги, демакки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатда миллий манфаатлар ва минтақавий манфаатлар ўзаро уйғунликда олиб қаралаётганидан далолатдир. Бундай минтақавий ҳамкорликнинг ижобий жиҳатларини таъминловчи ғоялар миллатнинг илғор қисми – интеллектуал жамоатчилик ва сиёсий етакчилар онгидан жой олиб, сўнг амалиётга чиқади. Ушбу ижтимоий идеални чуқур ва кўламли ҳис этиш, мамлакатимиз раҳбари тафаккуридан жой олиб, амалий моҳият касб этаётганликлари эътиборлидир. Марказий Осиёдаги кўшни давлатлар салоҳиятини эътироф этган ҳолда, бу азалий умумминтақавий интилишнинг умумий манфаат тарзида сиёсий кун тартибидан ўрин олишида ва қолаверса, минтақа халқлари учун кечиктириб бўлмайдиган муаммо эканлигининг рўй-рост айтилишида Ўзбекистоннинг хизмати таҳсинга лойиқ. Зеро, кўпчи-

<sup>15</sup> Каримова Э. Ўзбек толерантлигининг ўзига хос хусусиятлари. –Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – Б. 48.

<sup>16</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 248.

ликни, жоиз бўлса, дунё ҳамжамиятини ўйлантирган муаммонинг ечимига доир ушбу ташаббус, том маънода ижтимоий ҳодиса сифатида эътиборлидир.

«Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари: умумбашарийлик ва хусусийлик диалектикаси» деб номланган учинчи параграфда ўрганилаётган мавзу моҳиятига эътибор қаратилади.

Маълумки, социумлар манфаатларида мавжуд умумийлик ва хусусийликнинг бир томони давлатларнинг инсоният олдидаги умумий масъулияти бўлса, иккинчиси эса, ҳар бир суверен давлатнинг имманент ҳақ-ҳуқуқи билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, умумийлик ва хусусийликнинг замири шунчаки оддий инсон онгидаги субъектив жиҳатга эмас, балки дунё ва ҳар бир социумнинг онтологияси, уларга хос бирлаштирувчи ва аксинча, ажратувчи ҳодисаларнинг хусусиятига бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари тизимини, ундаги устувор жиҳатларни таркиблаштириш ҳамда таъминлаш доирасидаги хусусийлик мустақиллик, суверенликни идрок этишда айнан шу юқорида зикр этилган жиҳатни ҳисобга олиш муҳим. Зотан, Ватанимиз оламдаги социумлар занжирида ўзига хос алоҳидалик бўлса-да, курраи заминдагилар билан ҳамдард ва ҳамнафасдир. Глобаллашув жараёни ушбу жиҳатни яна бир бор тасдиқлади. Инсониятга таҳдид солаётган коронавирус иллоти минтақавий барқарорликка ҳам маълум маънода раҳна солди. Техноген фалокатлар, жумладан, Сардоба сув омбори ўпирилиши нафақат Ўзбекистонга ҳатто қўшни Қозоғистоннинг айрим аҳоли пунктларига, табиат таҳдидлари – Туркманистон чўлларида бошланган кучли бўрон ва довулларнинг Бухоро вилоятида айрим аҳоли пунктларига салбий таъсири – минтақавий муаммоларнинг умумийлигини ва уларни бартараф этишда яқдил фаолиятни тақозо этмоқдаки, бу борадаги Ўзбекистон фаолияти ва ташаббуслари мисолимизнинг яққол далилидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари тизимида «аҳил кўшничилик» омили алоҳида аҳамият касб этаётганлиги эътиборли. Ўзбекистон халқи дунё ҳамжамияти, инсониятнинг бунёдкор қисми сифатида ўз миллий манфаатлари ташувчиси бўлиши баробарида, умумбашарий манфаатлар гармонияси учун ҳам масъул. Шундай экан, биз миллий манфаатларимизни (ноёблик) умумжаҳон манфаатлари (умумийлик) барқарорлигига дахлдорликда, функционал боғлиқликда идрок этишимиз лозим. Ҳар бир ижтимоий бирикма, социум манфаатлари дунё фаровонлиги ҳамда барҳаётлигининг инъикоси бўлиб, шу тарзда ўзига хос фаолият тартиби, усулига эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон карвонбошилиқ қилаётган «аҳил кўшничилик» ғояси ва амалиётини минтақа халқлари миллий манфаатлари таъминланишининг ўзига хос шакли десак, тўғри бўлади.

Диссертациянинг «**Аҳил кўшничилик моҳияти, ривожланишининг тадрижий босқичлари ва миллий менталитетда унинг ўрни**» деб номланган иккинчи бобида аҳил кўшничилик тушунчасининг моҳиятига, умумий тараққиётни таъминлашда унинг ўрнига эътибор қаратилиб,

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида кўшни давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларининг шаклланиши, муаммолар ва аҳил кўшничилик муносабатларини ривожлантириш заруриятига эътибор қаратилади.

«Жамиятнинг демократиялашуви шароитида аҳил кўшничилик муносабатлари эволюцияси» деб номланган биринчи параграфда истиқлол шароитида кўшничилик муносабатларининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тадрижий ўсиб бориши тадқиқ этилади. Мустақиллик даврида кўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлар тизимида сифат жиҳатдан кескин ўзгаришлар туфайли янги босқич бошланганлиги эътиборли эканлиги таъкидланади. Маълумки, ҳар қандай воқелик, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳодисаю воқеалар ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, яъни қандайдир аввалгилардан фарқ қилувчи объектив ва субъектив турткилар туфайли юзага чиқади ва тадрижийлик «ўтмиш – бугун – истиқбол» уйғунлашуви асосида тизимлашиб боради.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги эндигина миллий суверенитетини қўлга киритган ўзбек халқи учун дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин ола бошлади. Кўшни давлатларга нисбатан позитив муносабат элчихоналар очишдан бошланди. Олий сиёсий раҳбарият, дипломатик муассасаларнинг саъй-ҳаракати натижасида Қирғизистон (1996 йил), Қозоғистон (1998 йил), Тожикистон (2000 йил) билан абадий дўстлик тўғрисидаги ва Туркменистон билан 2007 йилда «Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш» тўғрисидаги давлатлараро шартномалар имзоланди. 1995 йилнинг 21 ноябрида Тошкентда Марказий Осиё зиёлилари иштирокида «Қардош халқлар учрашуви» мавзусида халқаро қурултой бўлиб ўтганлиги, шу пайтда «Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси» таъсис этилиб, унга Президент этиб Чингиз Айтматов ва вице-президент лавозимига Одил Ёқубовнинг сайланиши, ташкилот қароргоҳи этиб Тошкентнинг белгиланиши, Бишкек ва Олма-отада унинг бўлимлари ташкил топиши ва ниҳоят, 1997 йилдан бошлаб «Марказий Осиё маданияти» ҳафталиги чоп этилиши мустамлакачилик даврида ман этилган кенг қамровли маданий-гуманитар алоқаларга ҳам кенг йўл очилганлигидан гувоҳлик беради. Аммо, «Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг самарали ишлаши учун тўсиқ бўлаётганлар ҳам оз эмас. Булар, биринчидан, етмиш йиллик яқин ўтмишда шаклланган сохта миллатпарварлик ҳиссиёти, аҳоли бир қисми тушунчаси ва дунёқарашининг маълум даражада чекланганлиги, минтақавий ҳамкорлик мазмун моҳиятини тўла ва чуқур тушуна олмаётганлиги бўлса, иккинчидан, мамлакатларимизнинг ўзаро яқинлашувидан таҳликага тушаётган кучларнинг мавжудлигидадир»<sup>17</sup>.

Аҳил кўшничилик муносабатлари халқимизнинг бир неча йиллик орзу ва армонларини ўзида ифодалаб, кўшни юртларда яшовчи қондош ва жондош элатлар, қавму қариндошлар ҳамда дунёқараши, турмуш тарзи бизга жуда яқин бўлган фуқаролар билан эркин ва самимий мулоқот қилишдир.

<sup>17</sup> Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 112.



Демак, бу бутун жамиятнинг манфаатини ўзида ифодаламоқда. Афсуски, сўнгги йилларда минтақадаги давлатлар ўртасидаги чегаралар айнан шундай муносабатларни ҳам чегаралаб қўйди. Ушбу ҳолат албатта, мамлакатимиз ва минтақа мамлакатлари манфаатларига ҳам зид эди. Сўнгги йилларда ушбу муаммоларга ҳам барҳам берилди бошланди.

Қўшнилар билан аҳилликнинг кучи бошқалар билан ўзаро муносабатлар майдонига бевосита таъсирини ўтказди. Қўшниларга нисбатан самимийлик, собитқадамлик, аҳдига вафо қилиш каби муҳим томонлар бошқа давлатларда ҳам унга интилиш ҳиссини кучайтиради. Бу эса ўз навбатида, нафақат Марказий Осиё, қолаверса, янада кенгроқ географик маконда Ўзбекистоннинг ўзига хос «ижтимоий гравитация майдони»га айланишига сабабчи бўлди.

Минтақадаги халқларга хос қўшничилик муносабатлари, унинг эволюциясига ушбу юқорида номи зикр этилган ечимнинг концепцияси нуқтаи назаридан қараганимизда икки бир-бирига параллел кечадиган – бир томондан, қўшничилик муносабатларга эҳтиёжнинг мудом ошиб бориши билан, иккинчи томондан эса, Ўзбекистон раҳбариятининг аҳил қўшничиликка қаратилган стратегик ташаббусининг – аниқ тарихий вақт ва маконда объектив зарурият сифатида майдонга чиққанлиги эътиборлидир. Айниқса, бугунги ижтимоий ва табиий таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар аҳолисини қўллаб-қувватлаш ташаббуслари мамлакатимизнинг минтақадаги мавқеини ҳамда инсонпарвар характерини яққол кўрсатди. Жумладан, COVID-19 – коронавирус хуружи шароитида Тожикистонга 18 вагон инсонпарварлик ёрдами сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари, малакали тиббиёт ходимлари гуруҳини ҳамда тез тиббий ёрдам паркини кенгайтириш ва пандемия вақтида беморларга самарали ёрдам кўрсатиш учун Damas автомобили негизида тез ёрдам автомобиллари юборилди. Шунингдек, Қирғизистон Республикасига ҳам ўнлаб вагонлардан иборат гуманитар ёрдамнинг жўнатилиши Ўзбекистоннинг минтақада олиб бораётган инсонпарварлик ёрдамидан далолат бўлиб, бугунги жамиятнинг демократиялашуви шароитида қўшничилик муносабатлари эволюциясининг сифатий босқичга кўтарилганлигини, бунда мамлакатимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар етакчи аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради.

«Аҳил қўшничилик моҳияти ҳамда дунё барқарорлиги ва тараққиётида унинг ўрни» деб номланган иккинчи параграфда мавзунинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилади. Аҳил қўшничилик муносабатларига оид халқаро муносабатлар амалиётида «иттифоқдошлик», «стратегик ҳамкорлик», «имтиёзли шериклик» ва «позитив муносабатлар» деган бир қатор атамалар – концептлар мавжуд. Ва улар шунчаки бир мавҳум, исталган пайтда илмий муомалага киритилиши мумкин бўлган сўзлар эмас, яъни ҳар бирининг аниқ, алоҳида маъно мазмуни, тавсифи бор. Уларни жой-жойида ишлатиш дипломатияда қабул қилиниб, уларга таъриф ҳам соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Эътибор берадиган бўлсак, юқорида келтирилган давлатлараро муносабатлар даражалари тизимида «аҳил

қўшничилик муносабатлари» деган категория кўзга ташланмайди. Унинг амалиёт юзини кўриши эса тарихийлик, халқаро (давлатлараро) муносабатларнинг XXI асрдаги тадрижийлиги, жоиз бўлса, унинг айнан бугунги ҳолати билан боғлиқ. Бу дастур биринчи навбатда, минтақадosh давлатлар манфаатларига мос бўлиб, жоиз бўлса, айнан шу ташаббус амалиёти туфайли қисқа вақт орасида Марказий Осиёда мутлақо янги халқаро ижтимоий-сиёсий вазият шаклланди, яъни минтақа давлатлари муносабатлари янги ривожланиш фазасига кўтарилди. «Аҳил қўшничилик муносабатлари» стратегиясини аниқроқ идрок этиш учун, бизнингча, уни кенг ва тор маънода тушуниш маъқул: кенг маънода давлатлараро, халқлараро ҳамкорлик муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, умумий мақсад-манфаатларга ҳамжиҳатлик орқали эришиш воситаси тарзида у ўзаро тенглик, тинчлик ва шаффофлик, барчага бир бўлган таҳдидларнинг ҳамжиҳатликда олдини олиш, умумий устувор даражада мақсад-манфаатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилиш; халқаро даражаларда бирдамликни намойиш қилиш, хавфсизлик масалаларида яқдиллик ва бир бирига ишонч тамойиллари асосида ҳаракат қилишни қамраб олади. Тор маънода қўшничилик муносабатларининг миллий анъаналар ва қадриятлар билан уйғунлашуви, миллий ва минтақавий вазиятдан келиб чиқиш назарда тутилади. Демак, аҳил қўшничилик деганда ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида ёнма-ён яшаб, минтақавий ва ҳатто қитъавий муаммолар ечимида тарихнинг залворли юқларини елкасига олиб, ҳар қандай ташқи таъсирларга қарши биргалашиб курашиб келган ҳамда бугунги кунда дўстлик мавқеида бўлиб, келажак тараққиётни таъминлаш масъулияти зиммасида бўлган муносабатлар мажмуини тушуниш мумкин. Ўзаро манфаатли яқин қўшничилик фақат минтақада эмас, балки бутун дунёда осойишталик, ҳамкорлик бўлган, унинг зарур шарт-шароити, ҳаракат макони яратилган тақдирдагина янада кўпроқ самара келтириши мумкин. Чунки теварак-атроф нотинч бўлса, уни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий воқеликка айлантириш амри маҳол. Дарҳақиқат, ҳар қандай ғоянинг «ҳаракат майдонини» аниқлаш, уни шартли чегаралаш амалий аҳамиятга эга: шу контекстда бир томондан – унинг таъсир кучи радиуси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва бошқа бир томондан эса, уни амалга ошириш ресурслари ҳажмини чамалаш имкониятини яратади. Бу барча маърифий демократик жамият, миллат учун жуда зарур: айнан шунга қараб у ёки бу социумнинг халқаро майдондаги нуфузи баҳоланади. Ўзбеклар учун «яқин қўшничилик», «қўшнига эътибор ва самимият» каби тушунчалар «ён қўшнинг – жон қўшнинг» каби устувор миллий қадрият даражасига кўтарилган, миллат қон-қонига сингиб, дунёқараш, хулқ-атвор ва ҳаётий фаолиятимизга керак жойда ва керак пайтда бевосита таъсир ўтказиб келган.

Диссертациянинг «**Аҳил қўшничилик маданияти ҳамда манфаатлар парадигмаларида миллий маънавий салоҳиятнинг ўзаро бирлаштиришдаги мавқеи**» деб номланган учинчи бобида мустақиллик шароитида қўшничилик маданияти эволюцияси масалалари, Ўзбекистоннинг минтақа доирасида халқларни бирлаштирувчи салоҳияти ҳамда бундай

имконият ва ташаббусларнинг истикболи хусусида назарий умумлашмалар қилинади.

«Қўшничилик маданияти – ўзбек менталитетининг имманент хусусияти ва юксалиш тенденциялари» деб номланган биринчи параграфда муаммонинг маданий жиҳатларига, миллий воқеликда унинг ўрнига эътибор қаратилади.

